O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OQQO`RG`ON TUMANI
H O K I M I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
Х О К И М
АККУРГАНСКОГО РАЙОНА

Q A R O R
Р Е Ш Е Н И Е

Оққўрғон шаҳри №517 «28» апреля 2018 й.

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни хисобга олиш ва ўларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар, ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 й. 25 апрел), (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа ишлари бўлими, туман Ички ишлар бўлимидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августга қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман "Ўздавтехназорат" инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори Э.Рахимжановга юклатилсин.

5. Туман хокимининг 2017 йил 30 январдаги 108-сон "Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги карори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Шайбеков зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Ф.Омонов**